

МУҲТАРАМА ОНАЖОНЛАР, МУНИС ОПА-СИНГИЛЛАР БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Я Н Г И Х А Ё Т У Ч У Н , Я Н Г И Ў З Б Е К И С Т О Н У Ч У Н !



I J T I M O I Y - S I Y O S I Y G A Z E T A S I

21asr.uz @XXIasr_yangiliklari asrgazetasi XXI_asr@mail.ru xxiasrgazetasi XXIasrgazetasi Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chop etila boshlagan

ДИҚҚАТ: O'zLiDeP АКЦИЯСИ

ИНСОН ҲАЁТИ ҲАММА НАРСАДАН УСТУН!

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси нуқтаи назарига кўра, исгазидан захарланишнинг олдини олиш учун хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя қилиш, хавфдан сақланиш бўйича аҳоли ўртасида ташвиқот ишларини янада кенгайтириш лозим.

Партия “Инсон ҳаёти – бебаҳо неъмат, у барча нарсадан устун” тамойили асосида кенг миқёсли “Огоҳ бўлинг, исгази!” акциясини ўтказди.



3

O'zLiDeP ҲУДУДЛАРДА

O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва партиянинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Актам Хаитов бошчилигидаги ишчи гуруҳ аъзолари Навоий вилояти сайловчилари ва тадбиркорлар билан учрашди.

Навоий шаҳрида давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилган “Thompson school” 2022 йилда ташкил топган намунали таълим даргоҳи. Бу ерда ёшларга яратилган шароит ва имкониятлар эътиборга молик. Ўқувчилар замонавий технологиялар асосида сифатли таълим олишга, миллий ва халқаро танловларда юқори натижаларга эришмоқдалар.

O'zLiDeP раҳбари муассаса ходимлари билан кечган самимий мулоқотда сиёсий қучнинг мақсад ва ғоялари, айниқса, мамлакатимизда қўлай ишбилармонлик муҳитини яратиш, барча соҳада тадбиркорлар улушини янада ошириш орқали ҳалол рақобатни юзага келтириш ҳамда барқарор ўсишни таъминлаш борасида қатор ташаббусларни илгари сураётганини таъкидлади.

Ўз навбатида педагог ва ўқувчи ёшлар ҳам ўзларини қизиқтирган қатор тақлиф ва мулоҳазаларини билдиришди. Жумладан, замонавий ўқув методикаларини жорий қилишга инвестиция киритган хусусий мактаблар учун солиқ имтиёзи ва енгилликлар бериш, солиқ юкни камайтириш, ўқитувчиларни халқаро даражада қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳамда иктидорли ўқувчилар учун давлат грантлари ажратиш хусусида саволлар беришди. Шунингдек, устозларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, уларни тураржой билан таъминлашга эътибор қаратилса, рағбат бўлиши айтилди.

Шу кунчи парламентдаги O'zLiDeP фракцияси раҳбари вилоятдаги фермерлар ва маҳалла еттилиги вакиллари билан мулоқотда бўлди. Кармана тумани Шибзон маҳалласи драйвер сифатида иссиқхона хўжалиқларини ташкил этиш

ЖОНЛИ МУЛОҚОТЛАРДА МУАММОЛАРГА ЕЧИМ ИЗЛАНМОҚДА

учун танлаб олинган. Биргина Янгиобод кўчасидаги 126 та хонадоннинг 95 тасида иссиқхона бор. Аҳоли йилда 3 марта ҳосил олмақда. Ўзаро суҳбат чоғида Актам Хаитов фермер хўжалиқлари фаолиятини янада эркинлаштириш, сув тежамкорли-

берилса, электр энергияси ва сув нархи пасайтирилса, катта кўмак бўлишини айтишди.

Навоий шаҳридаги Ёшлар марказида партия вилоят кенгаши масъуллари ҳамда депутатлар, ёшлар, фаоллар ва тадбир-



ги борасидаги ислохотлар, партия илгари сураётган ташаббуслар ҳақида тўхталди. Фермерлар ҳам ўз тақлиф ва мулоҳазаларини билдирди. “Баҳром-Ризо” фермер хўжалиги раҳбари Рўзи Ҳамроевнинг айтишича, фермерлар фақатгина вилоятдаги кластер билан ишлашга мажбурлиги, бошқа кластерлар билан шартнома қилолмаслиги боис пахтани арзон сотишга тўғри келмоқда. Шу боис кластердан пахта пунктларини алоҳида қилиб фермерлар кенгашига бериш ёки янги субъектлар очиб орқали муаммога ечим топиш даркор. “Шаҳноза” фермер хўжалиги раҳбари Акбар Ражабовнинг тақлифини ҳам касбдошлари бир овоздан маъқуллашди: пахта терувчи машиналар хариди учун субсидия

корлар иштирақ этган мулоқот янада қизиқarli ўтди. Таъкидланганидек, ишсиз фуқароларни замонавий касбларга ўқитиш тизимини тубдан қайта қўриб чиқиш, корхоналар буюртмаси асосида касбга тайёрлаш амалиётини жорий этиш, ҳар бир вилоятда камида 100 гектар майдонда Ёшлар ижтимоий-иқтисодий марказини ташкил қилиш партиянинг устувор вазифаларидан биридир. Сайловолди платформасида ҳам ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш учун микро-молиялаш хизматларини кенгайтириш ва замонавий молиявий инструментлардан кенг фойдаланиш, ўз бизнесини ижарага олинган бинода бошлаётган ишсиз фуқа-

роларга бир йиллик ижара харажатиинг 50 фоизини қоплаб бериш белгиланган.

Савол-жавоблар пайтида ёшлар томонидан билдирилган баъзи масалалар ишчи гуруҳ аъзоларини сергак торттирди. Сабаби, уларнинг қунонганча бор: ногиронлиги бўлганлар учун олий таълим муассасаларига ўқишга киришда давлат томонидан имтиёзлар мавжуд, лекин ўқишни тугатишгач, ишга жойлашиши осон бўлма-япти. Шунинг учун етакчи партия бундай шахсларни иш билан банд қилиш масаласига янада жиддийроқ эътибор қаратиши, амалдаги қонунлар асосида бу муаммога жўяли ечим топиш бўйича таклифларни ўртага ташлаш лозим.

– Масалан, уларнинг хусусий секторда касаначилик, тадбиркорлик билан шуғулланиб, ўзини ўзи банд қилишлари учун кўпроқ имконият ва субсидиялар, кам фоизли банк кредитлари ажратилса мақсадга мувофиқ бўларди, – деди Навоий давлат университети таянч докторанти Мирсаид Жалилов.

Ўшбу олий ўқув юрти ўқитувчиси Достон Ашуровнинг фикрлари ҳам масъулларни жалб қилди. Чорвачилик билан шуғулланувчи фермер хўжалиқлари олдида энг катта муаммолардан бири қўй, эчки ва туя жунларини қайта ишлаш учун ҳудудда етарли шарт-шароит йўқ. Ҳар йили ҳудудда 1 000 тоннага яқин жун нобўд бўлмоқда. Табиат ҳам зарар кўрмоқда. Қайта ишланмаган жунни фермер ва маҳаллий аҳоли дуч келган жойларга ташлаётганидан дарё, ариқ, каналлар суви ифлосланмоқда.

– Таклифим шундан иборатки, – деди Достон Ашуров. – Жунни қайта ишлаб, табиий, фойдали маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ҳукумат даражасида қўллаб-қувватлаш ва бу борада тадбиркорлик қилиш истаги бўлганларга имтиёзли сармоя ва грантлар ажратиш жоиз.

Иштирокчилар партия томонидан илгари суриляётган ташаббусларни тўлиқ қўллаб-қувватлаб, юрт тараққиёти учун ҳисса қўшишларини билдиришди. Ишчи гуруҳ аъзолари ёшларнинг шижоати ва фойдали тақлифлари борасида амалий чоралар кўришга ваъда бераркан, асосий мақсадларга аҳилик билан биргаликда эришишлари, бунинг учун барча имкониятлардан самарали фойдаланиш кераклигини таъкидлашди.

Бундай учрашувлар вилоятнинг бошқа туман ва қишлоқларида ҳам ўтказилиши режалаштирилган.

O'zLiDeP Навоий вилоят кенгаши матбуот хизмати

Ҳаёт ҳикмати

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА,

Ўзбекистон халқ шоири:

Ҳарир, ҳушбўй баданингда
тошлар изи бор,
Қўнрагингда эгилган не
бошлар изи бор,
Қўён изи, қўйдирган
қўёнлар изи бор,
Сен барибир муқаддасан,
муқаддас аёл!

ЭҲТИРОМ

АЁЛЛАР

Ҳаётнинг аввали бешик ва алла,
Она – гул ҳаётни асровчи қалъа,
Опалар, сингиллар – тун ичра шуъла,
Овозимни қўйиб айтсам баралла,
Сурати, сийрати – бори бир жумла:
– Офтобга, моҳтобга тимсол аёллар,
Олам меҳробида соҳибжамоллар.

Онанинг бағрида кўз очдинг, инсон,
Сўнг ёруғ оламга сўз сочдинг, инсон,
Баъзан ҳимоядан тез қочдинг, инсон,
Вафо, садоқати бошқача, инон,
Саховати кўзу қошгача, инон,
Меҳр йўлин очиб кутган аёллар,
Аразни унутган соҳибжамоллар.

Жаббор билан гоҳ жон талашган зот шу,
Юзларига ажин ярашган зот шу,
Беминнат парча нон улашган зот шу,
Сулҳ учун оқ рўмол ташлаган зот шу,
Баъзан кўзларини ёшлаган зот шу,
Янги замонларни бошлаган зот шу,
Оналар, опалар, сингиллар, ёрлар,
Ҳаётга кўрк берган боқий баҳорлар.

Тунларни тонгларга улаган ўша,
Бешикка бош қўйиб гуллаган ўша,
Белакачка тонгни белаяган ўша,
Гўдакни ҳаётга йўллаган ўша,
Ўғил-қиз ажрини тўлаган ўша,
Фарзанди қулмаса қулмаган зинҳор,
Гўдакка термулиб тунлари бедор.

Агар аёл бўлса, сахро ҳам гулшан,
Гар аёл бўлмаса, гулшан ҳам душман,
Вағрига талпинган озурда қушман,
Балки тунларини ёритган тушман,
Ширин сўз айтмаса, беҳол, беҳушман,
Офтобга, моҳтобга тимсол аёллар,
Олам меҳробида соҳибжамоллар.

Эй, Ҳаёт, барқ уриб яшна ва гулла,
Тириклик аввали бешик ва алла,
Она – гул ҳаётни асровчи қалъа,
Опалар, сингиллар – тун ичра шуъла,
Сурати, сийрати – бори бир жумла:
– Онанинг оёгин, гонди – ўзимман,
Дардига дармон, жаромига – тўзимман.

Офтобга, моҳтобга тимсол аёллар,
Гўзалликлар ичра соҳибжамоллар.



Салим АШУР

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси мамлакатимизда босқичма-босқич амалга ошириб келинаётган иқтисодий ислохотлар самарадорлигини ошириш, хусусан, кичик бизнес вакилларининг ялпи миллий маҳсулот яратилишида етакчи ўрин эгаллаши ҳамда халқимиз дастурхонини тўқин қилишда асосий омил бўлишига эришиш мақсадида бир қатор самарали лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиб келмоқда.

Бу жараёнда халқ билан юзма-юз суҳбат куриб, муаммо ва таклифлар ўрганилмоқда. Тегишли ташилотлар билан биргаликда масалаларга жўяли ечим излаб, ҳал этишга ҳаракат қилинмоқда.



касб танлашда кўмак бериш, уларни бизнесга йўналтириш, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш бўйича амалга оширилаётган тўб ислохотлар замирида ўғил-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бахтли ҳаёт куришлари учун замин яратиб бериш ётганини таъкидлади. О'зЛиДеР ҳам мамлакатда ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида қатор лойиҳаларни самарали

ХОРАЗМ



Иссиқхона бизнесини қўллаб-қувватлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, ҳудудларда аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари, О'зЛиДеР фракцияси аъзолари Жасур Жумаев ҳамда Барно Бердиева Урганч туманидаги "Файз барака Хоразм" МЧЖ иссиқхонасида бўлишди.

600 АЁЛ ИССИҚХОНАЧИЛИККА ЙЎНАЛТИРИЛАДИ

Жамият аъзолари асосан лимон етиштириш билан машғул, юқори сифатли агросаноат маҳсулотларини тайёрлаб, экспорт қилади. Инновацион усул ва замонавий технологияларнинг қўлланилаётгани ишлаб чиқариш самарадорлигини оширяпти. 6 гектар иссиқхонада 60 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг 10 нафари ногиронлиги бўлганлар. Жорий йил якунигача яна 40 та янги иш ўрни яратиш режа қилинган.

Халқ депутатлари Урганч туман кенгаши депутatlари Шокиржон Худайберганов ўзининг раҳбарлигидаги "Файз барака Хоразм" МЧЖда 600 нафар аёлни бепул ўқитиш ва уларга имтиёзли кредитлар ажратилгач, маҳсулот экспортига кўмаклашиш бўйича Урганч туман ҳокимлиги билан шартнома имзолади. Ҳозирда хотин-қизларнинг бир гуруҳи таҳсилни бошлаган.

Ташриф давомида депутатлар

"Инклюзив жамият сари" лойиҳасининг амалиётга татбиқ қилинишига ҳам алоҳида эътибор қаратишди. Лойиҳа доирасида ногиронлиги бўлган шахсларнинг таълим олишдаги имкониятлари кенгайтирилаётгани, иш жойларида уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирлар ҳақида сўз борди. Бу лойиҳа жисмоний имконияти чекланган ёшларнинг таълим олиш ва касб ўрганиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ



Партиянинг "Депутат ва тадбиркорнинг мулоқот форуми" лойиҳаси ҳудудларда тадбиркорлар, кичик бизнес вакиллари, оилавий ишбилармонлар, ўз тадбиркорлигини бошламоқчи бўлган ёшлар ва аёлларнинг самарали ҳаракатларини йўлга қўйишда тамалтоши вазифасини ўтамоқда.

МУЛОҚОТ ФОРУМИ ЁШЛАРГА ҚАНОТ



амалга ошириб келаётганига эътибор қаратди.

– Давлатимиз раҳбари таъкидлаган куйидаги давваткор сўзларга эътибор берайлик: "Энг олис ҳудудларда ҳам тадбиркорликни ривожлантириш учун, аввало, аҳолига тадбиркорлик бўйича етарлича тушунча ва билим беришимиз керак. Тадбиркорларга имконият ва шароит яратиб берсак, улар ўзларини ҳам, аҳолини ҳам иш билан таъминлайди", – деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари, О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Виктор Пак.

– Дарҳақиқат, тадбиркор ўзи ва атрофидаги яқинларининг ҳаётини ҳам фаровонликка олиб чиқа олади. Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва соҳани ривожлантириш тарафдори бўлган партиямиз ҳам бугун мамлакатда бизнес вакиллари сафи кенгайиб боришида муҳим ўрин тутяпти. Халқ ноиблари ва фаолларимиз бу ишда бошқаларга ибрат бўлмоғи лозим. Оққўрғонда ташкил этилган бугунги тадбир баҳонасида биз эндигина тадбиркорликни бошлаётган йигит-қизларга тўғри йўналиш бера олсак,

тамал тошини мустаҳкам қўя билсак, улар ҳам эртага албатта элу юртга нафи тегадиган етук салоҳиятли бўлиб етишади.

– Ушбу форумда иштирок этиб, жуда фойдали маълумот, маслаҳатларга эга бўлдим, банк-молия, кредит олиш ва уларни мақсадли йўналтириш бўйича билим ҳамда кўникмалар олдим, – дейди Оққўрғон тумани Ёшлик маҳалласи ёшлар етакчиси Маъруфжон Йўлдошев. – Тенгдошларим ҳам шундай тадбирларда иштирок этишини истайман. Негаки, соҳада ёшлар сафи қанча кенгайса, бандлик таъминланади, оила-ларга барака киради.

Форум якунида ёшлар вилоят ва республика миқёсида самарали фаолият юритиб келаётган илғор тадбиркорлар билан ҳам самимий мулоқотда бўлишди. Уларнинг бой тажрибалари билан яқиндан танишиш имкониятини яратиб бергани учун партия ва депутатга миннатдорлик билдиришди.

Зухро МИРЗОХАМДАМОВА, О'зЛиДеР Тошкент вилоят кенгаши бўлим мудири



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ



ҚўНҒИРОТДА "МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ" ҚАНДАЙ ИШЛАЯПТИ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари, О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Гулжан Халмуратованинг сайловчилар билан учрашуви энг чекка туманлардан бўлган Қўнғиротда ташкил қилинди. Дастлабки манзил янгидан қад кўтарган икки қаватли "Klinika Alyan" хусусий тиббиёт клиникасининг очилиш маросими бўлди.

Тадбирда ноиб мамлакатимизда кейинги йилларда барча соҳалар сингари тиббиётга қаратилаётган эътибор, энг бебаҳо бойлигимиз бўлган саломатликни мустаҳкамлаш йўлида қилинаётган ишлар хусусида сўзлади. Шу каби замонавий биноларнинг қад кўтарилиши аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва ишсизликни камайитиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Сўнг марказда беморлар учун яратилган қулайликлар, тиббий техник базаси ва ходимларнинг иш фаолияти билан танишди. Ўрганишлар давомида тиббиёт масканига қўшни Қонлиқўл ва Шуманай туманларидан ҳам аҳоли вакиллари келиб, замонавий текширув аппаратларидан ўтаётгани эътироф этилди.

Кейинги манзил Таллиқ маҳалласи бўлди. Сайловчиларнинг ҳудуддаги ичимлик суви, суюлтирилган газ, электр энергияси, ички йўлларни таъмирлаш, бандлик каби ўндан ортиқ муножаати тингланди ва мутасаддилар



иштирокида муҳокама қилинди. Аксарият муаммоларга шу ернинг ўзида туман кенгаши депутatlари, "маҳалла еттилиги" ва тегишли соҳа вакиллари билан биргаликда ечим изланди. Ичимлик суви муаммоси жорий йил дастурига киритилиши ва йил якунига қадар ижобий ҳал қилиниши, ички йўлларни таъмирлаш эса туман ободонлаштириш бошқармаси билан биргаликда ҳал этилиши айтилди.

Бескўпир овулидаги фуқаролар билан учрашувда маҳалла турғуни Гулистон опа Аралбаева ҳам 14 йилдан буюн шу маҳалла раиси, маҳалла маслаҳатчиси, О'зЛиДеРдан Халқ депутatlари туман кенгаши депутatlари бўлгани, ҳозирги кунда нафақада бўлса ҳам томорқа еридан унумли фойдаланиб келаётгани ибрат қилиб

кўрсатилди. Опа 1,2 сотихлик иссиқхонасида помидор, бодринг, кўкатлар, томорқа ерида эса картошка, рўзғор учун керакли озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиради.

Гулистон опа Аралбаеванинг айтишича, овулда поликлиника бор, шифокорлар ҳам етарли, лекин дорихона йўқ. Битта дори учун шаҳарга боришга тўғри келади. Маълумот ўрнида айтиш жоизки, мазкур маҳаллада 5 минг 300 дан зиёд аҳоли истиқомат қилади.

Учрашув якунида маҳалла инфратузилмасини яхшилаш, аҳолини иш билан таъминлаш, ўзини ўзи банд қилиш орқали оила даромadini ошириш бўйича амалга оширилиши керак бўлган чора-тадбирлар белгилаб олинди.

ЧУҚУРҚОҚҚА МАҲАЛЛА ИНСПЕКТОРИ КЕРАК

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари, О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Равшан Мамутов Элликқалъа туманининг энг олис ҳудуди, 300 км узоқликда жойлашган Чуқурқоқ маҳалласи аҳли билан 33-мактабда учрашди. Унда туман ҳокимлиги мутасаддилари, маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, нурунийлар, фаоллар ва ёшлар иштирок этди.

Учрашувда Президент халқ қабулхоналари билан ҳамкорликда фуқароларнинг сайёр қабулини ташкил этиш, аҳоли муаммоларини аниқлаш ва маҳаллий ижро ҳокимияти органлари билан биргаликда жойида ҳал қилиш чораларини кўриш, республика даражасидаги масалаларни умумлаштирган ҳолда сиёсий партиялар фракцияларига тақдим этиш хусусида сўзланди.

Маҳалла фуқароларидан Абдурахмон Жунеров ҳудуддаги қишлоқ шифокорлик пунктида мутахассис шифокорлар етишмаслигини айтди. Шунингдек, давлат томонидан артезиан қудуқлар қазилгани, лекин ҳозирда босим пасайиб, сув чиқмаётгани учун қудуқ ичига кичик насос ўрнатишда кўмак сўради. Гулпарчин Ширдамбаева эса алоқа антенна-лари ўрнатиш жоизлигини билдирди. Маҳал-



ла раиси Нағашбай Узоқбоевнинг айтишича, ҳудудда профилактика инспектори йўқлиги сабаб майда қонунбузарликлар кўпаймоқда. Зудлик билан профилактика инспектори штати очилиши зарур, деди раис.

Бу масалалар бўйича депутат тегишли соҳа вакилларига депутатлик сўрови орқали мурожаат қилиб, натижасини назоратига олишини айтди. Учрашув сўнгига кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди.

СУРХОНДАРЁ



СПОРТ ЗАЛИДАН НЕГА ФОЙДАЛЕНИЛМАЙДИ?

О'зЛиДеР маҳаллий кенгаш депутatlарининг халқ билан юзма-юз мулоқотлари Шўрчи туманидаги Дўстлик маҳалласида давом этди. Партия вилоят кенгаши депутatlари Алишер Рўзиев сайловчиларни узоқ йиллардан бери қийнаб келаётган муаммоларга қўлоқ тутди.

Масалан, ҳудуддаги 50-мактабда спорт зали бору таъмирталабига сабабли 10 йилдирки фойдаланилмайди. Келгуси йили ўқувчилар сони ортса, хоналар ҳам етишмайди. Маҳалла фаоллари ва ёшлар етакчиси аини шу масалани ҳам кўтарар экан, зални таъмирлаш ва мактабга қўшимча бино қуриш учун амалий ёрдам сўрашди. Мактаб яқинидаги автомобиль йўлида машиналар юқори тезликда ҳаракатланиши ҳам хавф туғдирмоқда. Шу боис ўқув маскани олдидаги пиедалар йўлакчасига ҳаракатни секинлаштирувчи мослама қуриб берилса, қўн-



гилсизликларнинг олди олиниб, ўқитувчи ва ота-оналарнинг хавотири ариган бўларди.

Барча кўтарилган масалалар юзасидан депутатлик сўрови чиқарилиб, назоратга олинди.

Саҳифани "XXI asr" муҳбири Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА О'зЛиДеР ҳудудий кенгашлари материаллари асосида тайёрлади.



ДИҚҚАТ: O'zLiDeP АКЦИЯСИ

O'zLiDeP сўзи билан иши бир сиёсий куч эканини ўтган даврда барча жабҳаларда изчил намоён этди. Аини жиҳат ўтган йилнинг кузида парламент қуйи палатаси ва маҳаллий кенгашларга ўтказилган сайловда партиямиз устунликка эришишига имкон яратган асосий омиллардан бири бўлди, десак янглишмаймиз. Улкан сиёсий имтиҳон жараёнида сиёсий куч бундан кейин ҳам ўз устувор мақсадлари, асосий принципларига содиқ қолишини “Партия учун амалий ишлар муҳим!”, “Бу юртда инсон, унинг ҳаёти азият” шиорларини эълон қилиш орқали ҳам кенг жамоатчиликка маълум қилган эди. Албатта, ҳар доимгидек, партия жадал равишда ваъдаларини, ғояларини ҳаётга кўчиришга киришди.

МАСАЛА МУРАККАБ, ЛЕКИН ОҚИЛОНА ЕЧИМ ТОПИШ МУМКИН

Табиий газсиз ҳатто бир кун рисоладагидек яшаш мушкул. Бу ресурс турмушимизнинг барча жабҳаларига чуқур кириб борган. Биноларни режалаштиришдан тортиб, зарур қурилма-ускуналарга табиий газга мослаштирилган. Шунингдек, у нисбатан арзон, фойдаланиш осон, самарадорлик даражаси юқори. Бироқ танганинг иккинчи томони ҳам бор. Метан газидан фойдаланишда маълум даражада билим, малака, эҳтиёткорлик талаб қилинади. Негаки, табиий ва суюлтирилган газ (ҳамда кўмир, ўтин)-нинг турли сабабларга қўра чала ёниши натижасида ис газы ажралиб чиқади. Ис газы рангсиз, ҳидсиз, ҳаводан



енгил заҳарли бирикма бўлиб, одам организмга нафас орқали ҳалокатли таъсир қилади. Унинг қанчалик хатарли эканлигини исботлаш, баён қилишга ҳоҷат йўқ; оммавий ахборот воситалари орқали барчамиз ис газы ва ёнғинлар кўплаб инсонларнинг умрига зомин бўлаётгани, соғлиғи ва мол-мулкига катта талафот етказаяётганидан мунтазам хабардоримиз. Республика “Худудгазтаъминот” акциядорлик жамияти бош мутахассиси Бобур Худайбергеновнинг таъкидлашича, бу ҳодисаларни келтириб чиқараётган тўртта асосий сабаб бор. **Биринчиси** – табиий ёки суюлтирилган газ ва бошқа ёқилғиларнинг чала ёниши, яъни модда ёниши учун ҳаво етарли микдорда бўлмагани. **Иккинчиси** – тутун, ёнмиш қолдиқларнинг ташқарига тўла чиқариб юбориш қувватига эга мўрқон ўрнатилмагани. **Учинчиси** – тортиш йўқлиғи ёки ташқаридаги шамолнинг нотўғри ўрнатилган дудбурондан чиқаётган газларни ортага қайтаргани. **Тўртинчиси** – айрим одамларнинг қўлбола иситиш мослама ёки печкаларидан фойдалангани. Ўз навбатида аксарият ҳолларда мазкур сабабларни айрим юртдошларимизнинг лоқайдлиғи, масъулиятсизлиги, зарур билимни ўзлаштиришни истамаслиғи оқибати бўлган техник саводсизлик вужудга келтираётганини ҳам назардан соқит этмаслигимиз керак. Мавриди келганда, “Пешонада ёзилгани бўлади” қабилидаги гаплар билан ўзини ва яқинларини овутиб, чалғитиб, ўзбошимчалик билан иш туттадиғанларга буюк бобокалонларимиз ҳар бир инсон ўз тақдири, ҳаётини ўзи барпо қилиши ҳақида фикрлар билдирганини эслатиб ўтмоқ жоиз. Хусусан, ҳақиқатгүй аллома сифатида дунёга машҳур Абу Лайс Самарқандий қарийб 1200 йил аввал инсонга ҳаётда “афъоли ихтиёрий” — ўз тақдирини ўзи яратишдек имкон ҳам берилгани тўғрисида хулоса чиқарган. Мураккаб ва комплекс хусусиятга эга мазкур муаммони янгича ёндашувлар ва самарали, оқилона воситалар билан ҳал қилиш мумкин. “Худудгазтаъминот” АЖ, Фавкуллода ваъзятлар вазирилик ва бошқа манфаатдор ташкилотлар кўп йиллар мобайнида тилга олинган салбий омилларни бартараф этиш бўйича тизимли иш олиб борапти. Масалан, ўтган қиш масъумида, олдинги йилларда бўлгани каби, минглаб ходимлардан иборат ишчи гуруҳлар ҳар бир маҳаллада профилактик-огоҳлантирув тадбирлари ўтказдилар, таъмирлаш бригадалари аниқланган камчиликларни бартараф қилдилар. Газдан хавфсиз фойдаланишга бағишланган икки юз мингдан ортиқ учрашув ва семинарлар ташкил қилинган ҳам диққатга молик. Бошқа



ИНСОН ҲАЁТИ ҲАММА НАРСАДАН УСТУН!



ташкил қилиш жуда зарур. Партия фаоллари маҳалланинг Шафтолизор кўчасида истиқомат қилувчи, ижтимоий ҳимоя реестрига киритилган Насибхон Тўрахонова хонадонига ҳам кириб, ускунанинг афзаликларини, ундан фойдаланиш қоидаларини тушунтирдилар. Детектор топширилган хонадон эгаси бу мурувватдан мамнуллигини билдирди: – Ибратли ташаббус билан чиққан O'zLiDeP фаолларидан ғоят миннатдорман, қурилма ва унинг ўрнатилиши бепул экани мен каби эҳтиёжманд фуқаролар учун аини муддао. Менимча, айнан шу партия амалий ишлари билан одамларга кўпроқ наф келтиряпти. Акция доирасида, шунингдек, Асака туманининг “Оқ бўйра”, Қўрғонтепа туманининг “Янги ҳаёт”, “Жомий”, “Олтин водий”, Бақлиқ туманининг “Қўл”, Избоскан туманининг “Элатан”, “Обод” МФЙларидаги “Аёллар” ва “Ёшлар дафтарлари”да рўйхатда турувчи фуқаролар хонадонларига детекторлар текин ўрнатиб берилди. Халқ депутатлари Қарши шаҳар кенгашидаги партиямиз депутатлари А. Шеров ва М. Ҳалимов ҳамкор ташкилотлар вакиллари билан биргаликда Чақар ва Қўнчиқар маҳаллаларида тушунтириш ишлари олиб боришди. O'zLiDeP Китоб туман кенгаши аппарати раҳбари Г. Кенжаева ҳамда туман кенгаши депутати Ғ. Узоқов Китоб шаҳридаги Чармгар ва Ташкент маҳаллаларидаги Нафиса Эргашева ва Зулайҳо Қўлдошева уйларида махсус қурилмалар ўрнатилишига бош-қош бўлишди.

КЎРИНМАС ЁВГА ҚАРШИ КУРАШДА ПАРТИЯ ОЛДИНГИ САФДА

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси нуктаи назарига кўра, ис газидан заҳарланишнинг олдини олиш учун хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя қилиш, хавфдан сақланиш бўйича аҳоли ўртасида ташвиқот ишларини янада кенгайтириш лозим. Албатта, касаллиқни даволагандан унинг олдини олган афзал. Бинобарин, хонадонларга ис газини аниқлайдиган ва хатардан огоҳлантирадиган махсус қурилмаларни ўрнатиш ҳам яхши натижа беради. Шундан келиб чиқиб, O'zLiDeP “Инсон ҳаёти – бебаҳо неъмат, у барча нарсадан устун” тамойили асосида кенг миқёсда “Огоҳ бўлинг, ис газини!” акциясини ўтказди. Ушбу тадбирга 1 минг 939 нафар партия депутати, сиёсий кучнинг асосий электорати бўлган 2 мингга яқин тадбиркор, мутасадди ташкилотлардан 4 мингга яқин мутахассис жалб қилинган диққатга сазовор. Ана шундай тадбирлардан бири Андижон туманидаги “Экин-тикин” ва “Чорбоғ” маҳалла фуқаролар йиғинларида ташкил этилди. Мулоқотда фуқароларга партия фаоллари ва манфаатдор ташкилотлар ходимлари томонидан ис газидан огоҳлантирувчи ускуналарнинг афзалликлари ҳақида тушунчалар берилди. – Маҳалламизда 3 минг 441 нафар фуқаро истиқомат қилади, – дейди “Экин-тикин” МФЙ райиси Шохрухбек Тўрахонов. – O'zLiDeP томонидан ўтказилган “Огоҳ бўлинг – ис газини!” акцияси жуда долзарб, муҳим тадбир. Чунки яқиндагина худудимизда ис газидан заҳарланиш юз берди. Жабрланган фуқароларимиз вилоят шошилинч тиббий ёрдам марказида даволанишди. Бундай ҳолатларга йўл қўймаслик учун шу сингари тарғибот тадбирларини



лишди. Партиянинг Бухоро шаҳар кенгаши масъуллари ва маҳаллий кенгаш депутати Н. Ҳамдамов Баҳоуддин Нақшбанд маҳалласига қарашли хонадонларда яшовчилар билан учрашиб, хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя қилингандagina нохуш ҳолатларни бартараф этиш мумкинлигини ўқтирдилар. “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”-га киритилган Мастура Ордиева ҳамда Илҳом Тўймуродов хонадонлари ускуналар билан таъминланди. – Беминнат ёрдамдан жуда мамнунмиз, – дейди М. Ор-

диева. – Оиламиз аъзолари номидан эл-юрт ташвишида юрган барча партия фаоллари ва депутатларга ташаккур билдираман. Шофиркон туманидаги “Шодлик” ва “Хўжа Ориф” МФЙ даги бир қанча хонадонларда ҳам детекторлар ишга тушди. – Худудимиздаги кўплаб оилалар ушбу хайрли акция доирасидаги ғамхўрликдан баҳраманд бўлди, – дейди “Нуроний” жамғармаси туман бўлими райиси Ботир Олимов. – Нуронийлар ҳам бу сиёсий кучнинг ибратли ташаббусини тўла кўллаб-қувватламоқда. Тушунтириш-тарғибот тадбирлари фақатгина маҳалла-ларда эмас, балки умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим муассасаларида ҳам уюштирилди. Шу тариқа “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилган 10 мингдан ортиқ фуқаро хонадонларига ис газидан огоҳлантирувчи қурилмалар бепул ўрнатилды. Айниқса, тадбиркорлар, фермерларнинг бу хайрли ишга бажонидил киришгани алоҳида эътирофга лойиқ. Улар ис газидан дарак берувчи ҳар бир қурилма инсонлар ҳаётини, соғлиғини асраб қолиши мумкинлигини теран тушуниб, энг сифатли жиҳозларни харид қилдилар. Депутатларимиз ҳам акциянинг ижтимоий аҳамиятини чуқур ҳис этган ҳолда тегишли ташкилий, ҳуқуқий ва бошқа ишларда жонбозлик кўрсатдилар. Партиянинг бу акцияси кўплаб ташкилот, муассасаларни ҳам муҳим ишга бош қўишга ундашига, эзгу ишларга чорлашига шубҳа йўқ. Шу ўринда партия ташаббуси ва иштироки билан янги-ланган, такомиллаштирилган Конституциямизда Ўзбекистон “ижтимоий давлат” деб эълон қилингани, давлатнинг ижтимоий мажбуриятлари уч баробарга кўпайгани, шунга ҳамоҳанг тарзда партия сайловолди дастурининг катта қисмини ижтимоий йўналишдаги вазифалар ташкил қилишига эътибор қаратиш зарур. Мазкур акция ижтимоий давлат тамойиллари амалда қўлланилишига O'zLiDePнинг бевосита улуш қўшаётганини яққол намоён этипти.

ҲАР БИР БИНО ВА ХОНАДОНГА ГАЗ ДЕТЕКТОРЛАРИ ЎРНАТИЛИШ ТАРАФДОРИМИЗ!

Партия сайё-ҳаракати билан 10 мингдан ортиқ хонадонга ис газидан огоҳлантирувчи қурилмалар ўрнатилгани яхши, ибратли ташаббус, албатта. Лекин, юқорида қайд этилганидек, мамлакатимизда миллионлаб газ истеъмолчилари, шунингдек, кўплаб кўмир, ўтин ва бошқалар ёрдамда иситиладиган хонадонлар ҳам мавжудлигини ҳисобга олсак, мазкур рақам дарёдан томчи эканлиги ойдинлашади. Хўш, нима қилиш керак? Дастлаб бу борада ижобий ўзгаришлар юз берганини қайд этиш лозим. Ўзбекистон Республикаси қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиғи вазирининг 2024 йил 15 апрелдаги “ШНҚ 2.04.08-22 “Газ таъминоти. Лойиҳалаш талаблари” шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғининг 310-бандига мувофиқ, янги газ таъминотида уланаётган истеъмолчиларнинг газда ишловчи ускуналар ўрнатилиши лозим бўлган хоналардаги газ қувурларида CO, CO2, CH4 ва ис газы концентрациясини ўлчовчи ҳамда газни манбадан ёпиш клапани билан жиҳозланган автоматик газ сигнализаторлари ўрнатилиши белгиланди. 2024 йилдан олдин қурилган уй-жойларга эса бундай талаб йўқ. Шу боис O'zLiDeP ҳар бир уйга, ташкилот, муассаса ва корхонага мазкур қурилмалар ўрнатилиши керак, деган таклифни илгари суряпти. Бу хайрли таклифни партия ўртага ташлабгина қолмасдан, уни амалга татиқ қилишни бошлади. Хусусан, мазкур йўналишда ишчи гуруҳ тузилди. Унинг вазифаси газдан фойдаланишга тааллуқли айрим норматив ҳужжатларга киритилувчи қўшимчалар лойиҳасини ишлаб чиқишдан иборат. Бу қўшимчалар республикамиздаги барча хонадонларга хавфли газларни аниқловчи детекторлар давлат ҳамда манфаатдор ташкилотлар ҳисобидан ўрнатилишини назарда тутди. Партиянинг ушбу сайё-ҳаракатлари “Ўзбекистон – ижтимоий давлат” конституциявий тамойилига ҳамоҳанглиги билан аҳамиятлидир. Шу ўринда Буюк Британия, Франция, Германия ва бошқа кўплаб ривожланган давлатларда барча бинолар, уй-жойларни газдан огоҳлантирувчи қурилмалар билан жиҳозлаш талаби кўп йиллардан бери амал қилаётганини эсга олиш лозим. Пировардида шуни таъкидлашни истардикки, Янги Ўзбекистонда “Инсон қадри учун” тамойилини тўла рўёбга чиқариш, юртдошларимиз ҳаётини асрашдек олижаноб, хайрли ишга беминнат ҳисса қўиш ҳар бир ташкилот ва фуқаронинг шарафли бурчидир.

Сардор МАРИПОВ,
O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси
Стратегик ва дастурий ҳужжатлар билан ишлаш
департаменти раҳбари

Беҳзод ИСРОИЛОВ,
департамент шўъбаси мудири

ФОРУМ

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси, Савдо-саноат палатаси ва Ўзбекистон сертификатланган молия мутахассислари уюшмаси (АСФР) ташаббуси билан молия соҳасидаги мутахассислар форуми бўлиб ўтди. “Ўзэкспомарказ” халқаро савдо марказида ўтган анжуманда вазирлик, олий ўқув юртлири, таълим марказлари ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистонда малакали молия мутахассисларига бўлган талаб ортиб бормоқда. Сўнгги 7 йил давомида соҳадаги иш ҳақи 2-3 баробарга ошган бўлса-да, юқори малакали кадрлар улуши жуда паст даражада қолмоқда. Шу боис бу муаммони ҳал қилиш учун томонлар профессионал сертификация тизимини тубдан ислоҳ қилиш таклифини илгари суришди. Профессионал стандартларни янгилаш, таълим тизимини модернизация қилиш ва молия соҳасидаги мутахассисларни сертификатлашнинг самарали тизимини яратиш масалалари муҳокама қилинди. Халқаро интеграциялашув ва Ўзбекистон малака сертификатларининг тан олинишига алоҳида эътибор қаратилди. Экспертлар халқаро малака дастурларини жорий этиш ва мутахассисларни кўп тилли тайёрлаш бўйича ўз тажрибалари билан ўртоқлашди.

МОЛИЯ МУТАХАССИСЛАРИ Ўзбекистонда кўп, лекин сифати-чи?



Дилшод ШОУМАРОВ,
О'зЛиДеР Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари:

– Ҳар қандай бизнеснинг молиявий юраги барқарор ва башорат қилинадиган тарзда уриши керак. Бироқ бугунги кунда Ўзбекистон компаниялари тобора кўпроқ ҳақиқий малакали молиячини топиш инвестиция жалб қилишдан-да қийин бўлаётган вазиятга дуч келмоқда.

Тадбиркор ва ишбилармонлар манфаатларининг ҳимоячиси бўлган О'зЛиДеР молия-иқтисодиёт соҳасидаги мутахассисларнинг касбий малака тизимини ривожлантириш бўйича сиёсат концепциясини ишлаб чиқди. Бу ҳужжатнинг асосий мақсади халқаро маконга интеграциялашган молия соҳасидаги мутахассисларни тайёрлаш, баҳолаш ва сертификатлашнинг комплекс миллий тизимини яратишдан иборат. Бу миллий сертификатлар халқаро ташкилотлар томонидан, халқаро малакалар эса миллий тизим томонидан эътироф этилганда малакаларнинг ўзаро тан олинишини таъминлаш имконини беради. Партиямиз молия соҳасидаги касбларни ривожлантириш юзасидан тизимли ўзгаришлар ташаббускори ролини ўз зиммасига олмақда. Шунингдек, қўнуңчилик базасини комплекс янгилаш ташаббуси билан чиқмоқда. Сийёсий куч профессионал ва таълим стандартларини модернизация қилиш ҳамда сертификатлашнинг самарали тизимини яратишга қўмаклашди.



Ақром АЛИМОВ,
О'зЛиДеР Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси аппарати департамент раҳбари:

– Тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш баробарида молия соҳасига оид касб ихтисосликларини эгаллашга қўмаклашиш ва ривожлантириш партиямизнинг энг муҳим вазифаларидан саналади. Замонавий молиявий ҳисобот ва молиявий бошқарув тизимисиз бизнес ва умуман, иқтисодиёт барқарор ривожланмаслигини яхши англаймиз.

Шунинг билан ўзгараётган замонавий дунёда Янги Ўзбекистон келажаги, равнақи жаҳон иқтисодий аренасида қанчалик муваффақиятли интеграциялаша оlishимизга боғлиқ. Бундай шароитда шаффоф молиявий ҳисобот



ва халқаро стандартлар бўйича молияни профессионал бошқариш мақсадга мувофиқ, қолаверса, бизнес рақобатбардошлиги ва мамлакат инвестициявий жозибадорлигининг зарурий шарти ҳамдир.

Бугунги кунда иқтисодиёт соҳасида қуйидаги мутахассисларга талаб ва эҳтиёж ортган:

биринчидан, кичик бизнес корхоналари учун аутсорсинг асосида ҳисоб юритиш, ҳисоботларни тайёрлаш ва молияни бошқариш бўйича сифатли хизматлар кўрсата оладиган мутахассислар;

иккинчидан, ўрта ва йирик бизнес учун юқори малакали кадрлар – бош бухгалтер, иқтисодчи, фазначилик бўйича мутахассис, молиявий таҳлилчи ва директорлар.

Аммо профессионал таълим стандартлари ва малака ошириш тизимимиз халқаро талабларга қай даражада жавоб бера оламиз? Бу борада қандай тажрибаларни оммалаштиришимиз керак? Аввало, О'зЛиДеР бутун тизимни комплекс янгилашга қаратилган ташаббусларни тўла қўллаб-қувватлайди. Биз асосий ишларни қўнуңчилик базасини такомиллаштиришдан бошлашимиз лозим, деб ҳисоблаймиз ҳамда касбий ва таълим стандартлари модернизация қилиниши, профессионал сертификатлашнинг самарали тизими янада кучайтирилиши тарафдоримиз. Молия мутахассисларининг малакаси халқаро миқёсда тан олинишига эришиш, профессионал ҳамкорлик учун мустаҳкам кўприклар яратиш лозим. Бунинг учун, албатта, иш берувчиларга ҳам, мутахассисларга ҳам тушунарли бўлган замонавий малака даражаларининг ягона тизимини яратиш мақсадга мувофиқ. Демак, молиявий-иқтисодий соҳадаги малакалар бўйича тармок кенгаши ишини фаоллаштириш жоиз.



Михаил ПЕРПЕР,
Ўзбекистон сертификатланган молия мутахассислари уюшмаси раиси:

– Мутахассисларни тайёрлаш тизимини модернизациялаш, жумладан, таълим тизими замонавий профессионал стандартларга тўлиқ ҳамоҳанг бўлиши, назария ва

амалиёт ўртасида узилишга йўл қўймаслик керак. Таълим дастурлари мослашувчан ва модулли бўлиши, талабаларга индивидуал таълим траекторияларини қуриш имконини бериши даркор. Коллеж ёки техникум, айниқса олий ўқув юртлирида назарий таълимни муваффақиятли фаолият кўрсатаётган корхоналарда амалий иш билан уйғунлаштирган ҳолда дуал таълимни фаол жорий этиш жоиз. Олий таълимда бакалаврият ва магистратура йўналишларини комплекс янгилаш, иқтисодиётнинг аниқ тармоклари эҳтиёжларига жавоб берадиган тор ихтисосликдаги магистратура таълим йўналишларини ташкил этиш лозим.

Айниқса, молия соҳасидаги мутахассисларни баҳолаш ҳамда сертификатлашнинг замонавий тизимини ва профессионализмни баҳолашнинг принципиал жиҳатдан янги инфратузилмасини яратиш лозим. Унинг негизда мустақил малака баҳолаш марказлари тармоғи мавжуд бўлади. Улар ягона, шаффоф стандартлар ва баҳолаш воситаларининг марказлаштирилган базаси бўйича ишлайди, баҳолашнинг ҳолислиги ва беғаразлигини таъминлайди.



Дурбек АХМЕДОВ,
Олий Мажлис Қўнуңчилик палатаси депутаты,
О'зЛиДеР фракцияси аъзоси:

– Президентимизнинг 2024 йил 30 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси миллий малака тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида соҳага оид асосий йўналишлар белгилаб берилган. Таҳлиллар қўнуңчилик йўли билан ҳал этилиши лозим бўлган масалалар мавжудлигини кўрсатмоқда ва уларни ҳал этиш вақти келди деб ҳисоблаймиз. Аввало, миллий молиявий мутахассислар малака тизимининг норматив-ҳуқуқий, институционал ва услубий асосларини такомиллаштиришимиз керак. Ҳозирги кунда МДХ мамлакатларида бу соҳани тартибга солувчи қўнуңчилик базаси мавжуд. Хусусан, Россия Федерациясида “Малакани мустақил баҳолаш тўғрисида”, Беларусда “Малакани мустақил баҳолаш ва сертификациялаш тўғрисида”, Қо-

зоғистонда “Профессионал малакалар тўғрисида”ги қонун қабул қилинган.

Фикримизча, экспертлар ҳамжамияти ва мутахассислар билан биргаликда “Миллий касбий малакалар тизими тўғрисида”ги қонун лойиҳасини тайёрлаш, парламент муҳокамасига киритиш мақсадга мувофиқ. Қонунда касбга оид стандартларни ишлаб чиқиш ва қўллашнинг аниқ ҳуқуқий асослари, уларни мунтазам равишда янгилаш механизмларини белгилаш зарур. Айниқса, таълим дастурларини ишлаб чиқишда касбга оид стандартларни қўллашнинг қатъий талабларини белгилаш муҳим – бу иш берувчиларнинг эҳтиёжлари ва мутахассисларни тайёрлаш ўртасидаги алоқани таъминлайди.

Шу билан бирга, амалдаги қўнуңчиликни ўрганган ҳолда бошқа қонун ҳужжатларига ҳам қўшимча ва ўзгаришлар киритиш лозим. Ушбу ўзгаришлар мутахассислар учун замонавий халқаро стандартларга жавоб берадиган янги малака талабларини, мажбурий ва ихтиёрий сертификатлаштиришнинг аниқ тартибини белгилаши, мутахассисларни касбий ривожлантириш механизмларини яратиши керак. “Таълим тўғрисида”ги қонунга ҳам қўшимча ва ўзгаришлар киритиш бўйича таклифлар тайёрлаш мақсадга мувофиқ.



Отабек БАРАКАЕВ,
Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
Бухгалтерия ҳисоби ва аудит услубиёти бошқармаси бошлиғи:

– Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МХХС) инвесторларга бутун дунё бўйлаб имконият ва рискларни аниқлашда ёрдам бериш орқали иқтисодий самарадорликка ҳисса қўшиб, дунё бўйича капитал тақсимотини яхшилайдди. Ўзбек бизнесининг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви, чет эл инвестицияларини жалб этишга шарт-шароит яратиш учун халқаро иқтисодий алоқада бизнеснинг оммага тушунарли бўлган умумжаҳон тили – молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини ўрганиш ва ундан фойдаланиш зарур.

Сўнгги йилларда республикамизда ҳам бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасида, хусусан, МХХСни жорий этишга доир кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Президентимизнинг “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятлари кенгайтирилди. Ҳисоб ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизими такомиллаштирилди. 62 та соҳага оид ҳужжат давлат тилига таржима қилинди. Ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллаш учун тан олинган молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва тушуңтиришлар матни асосида бухгалтерия ҳисобини ташкил этади ва молиявий ҳисоботларни тайёрлайди.

Айни соҳа мутахассисларининг меҳнат бозорига кириши учун шарт-шароитларни яхшилаш мақсадида педагоглар, талаба ҳамда давлат органи ходимларини МХХСга ўқитиш ва бухгалтерларнинг халқаро сертификатлари доирасида 2,9 минг нафар талабгорта 7,9 млрд сўм имтиҳон ва ўқитиш харажатлари республика бюджетидан қоплаб берилди. 13 000 дан ортиқ тингловчи (талаба, ўқитувчи, бухгалтер ва молиячилар) учун бепул масофадан таълим онлайн платформалари (ifs.academy ва profinfo.uz) яратилди. Стандартлар бўйича 30 та бепул онлайн вебинар ўтказилди. 20 та бухгалтерия ҳисобининг ҳужжатлари янги таҳрирда ишлаб чиқилиб, давлат рўйхатидан ўтказилди. Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари учун илк бор МХХСга асосланган молиявий ҳисобот шакллари ва молиявий ҳисоботларни тақдим этиш мuddатлари тасдиқланди.

Аудиторлик соҳасида қабул қилинган қўнуңчилик ҳужжатларининг самараси ўлароқ республикада 2024 йилнинг якунлари бўйича 1 154 нафар аудитор аудиторлар реестрига киритилди, уларнинг 76 фоизини эркаклар ва 24 фоизини аёллар ташкил этади. Реестрга киритилган аудиторлик ташкилотлар сони 153 тани ташкил этади. Утган йилнинг шу даврига нисбатан аудиторлар сони 151 тага, аудиторлик ташкилотлари сони эса 15 тага ошган. “Аудит” дастурий мажмуаси ишлаб чиқилди (<https://audit.imv.uz>) ва амалиётга жорий этилди.

Ушбу форум Ўзбекистонда молия соҳасидаги касбларни ривожлантиришда муҳим босқич вазифасини ўтади ва барча манфаатдор томонлар ўртасида янада конструктив мулоқот учун замин яратди. Иштирокчилар, айниқса, янги тақдим этилган “2030 йилга қадар Ўзбекистон учун халқаро даражадаги 10 минг молия мутахассиси тайёрлаш” лойиҳасини мамлакатда молиявий бошқарув сифатини тубдан оширишга қаратилган комплекс стратегик ташаббус деб баҳолашди. О'зЛиДеР, Савдо-саноат палатаси ва Сертификатланган молия мутахассислари уюшмаси (АСФР)нинг халқаро стандартларга жавоб берадиган молия кадрларини тайёрлаш ва сертификатлашнинг барқарор тизимини яратиш бўйича сайй-ҳаракатларини бирлаштирадиган ушбу комплекс ташаббуси нафақат 10 000 нафар юқори малакали молия мутахассисларини тайёрлашга, балки узлуксиз касбий ривожланиш учун барқарор экотизимни яратишга имкон беради. Бу эса миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш ва Ўзбекистоннинг инвестиция муҳитини яхшилашга муҳим ҳисса қўшади.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
“XXI asr” мухбири

Хабарингиз бор, давлатимиз раҳбарининг “Томорқа ер эгалари ва деҳқон хўжаликлари фаолиятида замонавий ташкилий тизимни жорий қилиш ва молиявий қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Мазкур ҳужжатга кўра, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши эндиликда Ўзбекистон фермерлари кенгаши этиб қайта номланди. Кенгашнинг пойтахтимизда бўлиб ўтган I курултойида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлардан сайланган делегатлар, Марказий назорат-тафтиш комиссияси аъзоларидан 148 нафар делегат қатнашди.

Ўзбекистон фермерлари кенгашининг I курултойи



Фармонда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигига деҳқон хўжаликлари ва аҳоли томорқаларини ривожлантириш билан боғлиқ қўшимча вазифа ва функциялар юкланди. Жумладан, вазирлик аҳоли томорқалари ва деҳқон хўжаликларидаги ер майдонларини тўлиқ хатловдан ўтказиб, уларда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳисобини юритади. “Online mahalla” платформасида аниқ ва батафсил маълумотлар базаси шакллантириб борилади. Бундан ташқари, туман ва маҳаллаларнинг ихтисослашув бўйича салоҳият ва имкониятларидан келиб чиқиб, томорқаларда юқори даромадли маҳсулотлар етиштиришни яшил ва инновацион ёндашувлар асосида ташкил этиш ва шу орқали аҳолининг юқори даромадли иш билан бандлигини таъминлаш назарда тутилган.

Фармонда белгиланганидек, Томорқа ер эгалари ва деҳқон хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича кенгаш тузилди. Уларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон

лойиҳалари учун 2 йилгача имтиёзли давр билан 7 йилгача муддатга Марказий банк асосий ставкасидан 4 фоизлик пункт юқори ставкада (шундан 5 фоиз банк маржаси) кредитлар ажратилади. Аҳоли томорқалари ва ижара ерларида ихчам музлаткичли омборхоналар, қадоқлаш, қуритиш ва қайта ишлаш ускуналари, тайёр ҳолдаги иссиқхоналар 24 ойлик имтиёзли давр билан 5 йилда бўлиб тўлаш шарти билан лизингга берилади.

Ўзбекистон фермерлари кенгаши томонидан ташкил этилган “Фермерликни инновацион ривожлантиришнинг услубий ва амалий вазифалари” республика семинарида ҳам давлатимиз раҳбарининг мазкур фармонида белгиланган вазифалар ҳусусида фикр юритилди. Семинарда фермер хўжаликлари фаолиятида илгор агротехник тадбирларни ва услубларни қўллаш, фермер хўжаликларининг дала четлари, боғ қатор ораларидан унумли фойдаланиш ва даромадни кўпайтириш имкониятларини яратиш, фермер хўжаликларининг



фермерлари кенгаши ҳузурида Фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузурида эса юридик шахс ташкил этмасдан Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилди.

Жамғарма маблағлари ҳисобидан ҳар йили 500 та маҳаллада биттадан аҳоли томорқасида амалга оширилган энг намунали ва инновацион лойиҳа учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваридан ошмаган миқдорда грантлар ажратилади. Уста деҳқонлар томонидан қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш мақсадида ҳар бир курс учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 бараваригача миқдорда субсидия ажратилади. Муайян маҳалладаги 50 фоиз хонадонларнинг томорқасида экспортбоп маҳсулот етиштиришни йўлга қўйиб берган уста деҳқонларга 100 миллион сўмгача субсидия ажратилади. Томорқа ер эгалари ва деҳқон хўжаликлари ҳамда уларга хизмат кўрсатувчи субъектларга тижорат банклари орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, уларни қайта ишлаш, қуритиш, сақлаш ва қадоқлаш

замонавий инфратузилмасини ривожлантириш, ер унумдорлигини ошириш орқали органик маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш ҳамда узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг самарадорлигини оширишда инновацион ва интенсив услублардан фойдаланиш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Семинарда фермер хўжаликлари манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарадорлигини ошириш, шартномавий муносабатларда фермерлар манфаатини ҳимоя қилиш, фермерлар фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш, кенгаш ҳузуридаги жамғарма фаолиятининг устувор йўналишлари ҳам муҳокама қилинди.

Фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш, фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг хизмат кўрсатиш инфратузилмасини ривожлантириш, инновацияларни қўллаб-қувватлаш ҳамда фермерларнинг тажриба ва малакасини ошириш, уларга замонавий хизматлар кўрсатиш ва фаолиятини баҳолаш мезонлари ҳусусида фикр-мулоҳазалар тингланди.

Ўзбекистон фермерлари кенгаши
Ахборот хизмати

ҚУТЛОВ

ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕРЛАРИ КЕНГАШИ

юртимиз аёлларини **8 МАРТ – ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ**

муносабати билан самимий муборақбод этади!

Шукрки, бугун креатив, замонавий билим ва малакага эга, янгича дунёқараиш ҳамда мустақил фикрли аёлларимиз салмоғи жамиятимизда кун сайин ортиб бормоқда.

Шунингдек, ишбилармон хотин-қизлар сафи икки баробар кенгайиб, ўз бизнесини йўлга қўйган аёллар сони 205 мингдан ошди. Юз минглаб аёллар касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитилди. Салкам ярим миллион қизларимиз иш билан таъминланди.

Шундай экан, ипакдек нозик, гўлдан гўзал аёлларимизга қанча эҳтиром ва эътибор кўрсатсак шунча оз.

Мартабангиз бундан-да баланд, умрингиз узоқ, ризқу насибангиз зиёда бўлсин!



ТАБРИК



Самарқанд вилояти

“URGUT SAVDO KOMPLEKSI”


масъулияти чекланган жамияти жамоаси

Ўзбекистон аёлларини **8 март – Халқаро хотин-қизлар кўни** муносабати билан чин қалбдан қутлайди.

Ушбу гўзал айёмда Сиз азиз ва муҳтарам аёлларимиз шаънига ҳар қанча самимий ва эзгу тилакларимизни айтсак шунча кам.

Нафосату назокат, вафою садоқат, ақлу заковат ва фидойилик рамзи ҳисобланган хотин-қизларнинг ўрни, нуфузи жамиятимизда улкан. Улар борки, ҳаёт мунаввар, турмушимиз фаровон, оилалар обод.

Толенгиз баланд, бахтингиз бутун, умрингиз узун бўлсин, азиз ва мўътабар аёллар!



ҲАЁТ ҲАҚИҚАТЛАРИ

Озод ШАРАФИДДИНОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони:

Гап бошқая амал бошқа, суврат ўзгачая сийрат бўлакча

Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов (1929–2005) адабиётшунос, мунаққид каби таърифларга сиғмайди. У мутахассислиги доирасида адабий асарларни тафтиш қилибгина қолмай, балки ўткир публицистик чиқишлари билан жамиятимизга кўзгу тутиб ўтди. Биз ҳали-ҳамон бу тошойнага қараб, орадан ўтган неча ўн йиллар мобайнида қанчалик тузалганимизни, қанчалик тузатганимизни аниқлаб олишимиз мумкин.

Газетамизнинг ушбу сонида Озод Шарафиддинов мақолаларидан иқтибосларни ўқиб, ўз-ўзини мунтазам тафтиш қиладиган миллатга айланиш учун бизга ҳали яна неча-неча озодлар кераклиги ҳақида кўнглингизда савол туғилса ажаб эмас.

...Ватан учун қимлар нималар қилмаган? Бировлар Ватан деб жон фидо қилган, бировлар ватан деб гап сотган... Мен ҳеч қимни маломат қилмоқчи эмасман, бунинг учун менинг ҳаққим ҳам йўқ. Лекин, назаримда, шундай туюладики, биз кейинги вақтларда Ватанга муҳаббатимизни кўпроқ “гап сотиш” йўли билан ифодалашга берилиб кетганга ўхшаймиз. Назаримда, “тарбия”, “ватанпарварлик тарбияси” деган нарсани ҳам бутунлай бир томонлама тушунамиз, шекилли. Қанча кўп гапирсак, гапларимиз қанча тумтароқ, баландпарвоз бўлса, тарбиявий ишларимиз шунча яхшила-наётганга ўхшайди. Ҳолбуки, буларнинг бари билимимизнинг саёзлигидан, маданий савиямизнинг пастлигидан, қолаверса, гапирётган гапимизни ўзимиз қадрламаслигимиздан туюлади ва бу сийқалик охир-пировардида энг ноёб, энг инжа туйғуларимизни ҳам ўтмаслаштиради. Натижада Ватан севасининг қадри пасайиб, баҳоси тушиб кетиши ҳам ҳеч гап эмас.

1914-ми ёҳуд 1915 йилгиси – аниқ эсимда йўқ – жадид газеталаридан бирида кичкина ахборот эълон қилинган. Ундан маълум бўладики, жадидлар маърифат ишлари йўлида хайрия кечаси ўтказган ва маълум миқдорда пул тушган экан. Газетадаги ахборотда ана шу пул тийинма-тийин нималарга сарфлангани аниқ кўрсатишган. Бу ишларнинг барини жадидлар шовқин-суронсиз, бирор оғиз мақтанисиз, писандасиз ва татмасиз амалга оширганлар. Ва ниҳоят, мана шу хизматлари учун шўролар замонида қамалиб, кўпчиликлари отиб юборилган ёҳуд ўзга юртларга бадарга қилиниб, уруғлари қуртилган. Уларнинг бундай беминнат фидокорликлари биз учун мангу ибрат бўлиб қолмайдими? Бизнинг эса ҳамон топангимиз гап... гап... гап... Бири-биридан чиройли, бири-бирдан пурвиқор, бири-бирдан дабдабали ва бири-бирдан пуч, мағизсиз гаплар, салимиятдан узоқ гаплар. Кўрқаманки, бу ҳавойи гаплар ҳатто бизнинг пича риёкорлигимизни ҳам ошкор қилиб қўяди.

...эътиқодсизлик чиндан ҳам ёмон нарса. Ўзим ҳам

бўлар-бўлмасга эътиқодини янгилайёверадиган беқарор ва бебурд одамни ёмон кўраман. Айниқса, шахсий манфаат йўлида дўстини, оға-инисини, устозини чакса кепакка сотиб юборишдан тоймайдиганлардан мен ҳам ҳазар қиламан...

...ўтмишини қоралашдан фойда йўқ. Чунки ўтмиш – ўтмиш-да! У аллақачон тарихга айланган. Унинг бирор кемтигини бутлаб қўйиш мумкин бўлмаганидек, бирор бесўнақай жойини пардозлаб, текислаб ҳам бўлмайди. Ундан фақат сабоқ олиш мумкин.

Биз ҳали ҳам юпун, чала курсоқ эдик, яшаш шароитимиз жуда қолоқ ва оғир эди. Турмушда ҳали тузукроқ рўшнолик кўрганимиз йўқ, хонадонларимизда биримиз икки бўлгани йўқ, юртимиз ҳам ободончиликдан йироқ эди. Биз буларнинг барини урушга йўярдик-да, ҳамон ўзимизни бахтиёр ҳисоблардик. Тўғри, юрагимизнинг аллақерида шу бахтимиз кемтикчилини ғира-шира ҳис қилардик. Лекин “Нега шунча? Бу кемтиклик нимада?” деб ўз-ўзимиздан сўрамасдик. Сўрамасдик ҳам. Биров ман этгани учун эмас, балки сўраб ўрганмаган эдик. Умуман, советча ҳаётимизнинг бирор жиҳатига шубҳа билдирши, бирор ишимизга шак келтириши ёки ақида-миздан гумон қилиши бизга ёт эди. Биз бахтиёр эдик, чунки бизга “Сенлар – бахтиёрсан” деб ўқитиришган эди.

Садоқат деганлари жуда яхши, қимматли фазилат, аммо у кўр-кўрона, ақл ўтхоналарида тобланмаган бўлса, фазилат деб аташ қийин. Бундай “фазилат”дан фақат кулфат келиши мумкин. Худди шунингдек, ҳар қандай эркин фикр, ақлиёт бобидаги ҳар қандай кашфиёт гумондан, шакдан бошланади, лекин “гумон” ҳам кўр-кўрона бўлса, метёр ва чегарадан чиқиб кетса, одамни беҳаловат қилади, ҳамма нарсадан юз ўгириб, ҳар қандай неъматини оёқости қилувчи, ҳатто иймонини ҳам суस्ताштирувчи махлуқча айлантиради.

Талабалик чиндан ҳам олтин давр. Беш йил мобайнида онандан бутунлай янги тугилгандай бўласиз. Ҳар қуни бир янги кашфиёт юз очгандек, ақлга ақл қўшилгандек бўлади. Очиқ кўзлар янгидан очилади – ҳайрат билан амин бўласизки, олам аввал қўриб юрганингиздан бўлакча! Лекин сезасизки, эски, қўнликкан одатларингиз сизни тарқ эттишга ишмайди, айниқса, асосий масалаларда сиз ҳамон ўша-ўшасиз! Қалбингизни кўпдан чирмаб келган қишларни яна ҳам мустаҳкам бўлса бўлибдики, асло бўшашмабди.

...билмайсизки, ҳаёт бошқа – унда ҳар қадамда қалбакиликка, алдамчиликка рўпара келасиз. Унда қўшнча гап бошқая амал бошқа, суврат ўзгачая сийрат бўлакча. Ҳаётда бир ҳовуч ёвуз кучлар бор – улар қора ниятларини ниқоблаб, ана шу умуминсоний, олижаноб гоёларни ўзларига шпор қилиб олганлар, уларни ўзларича талқин қилиб, шу гоёлар соясида давру даворон суришга жаҳд қилганлар. Улар одамларнинг соддалиги ва ишонуванглигидан фойдаланиб, ўзларининг қора мақсадларига эришишда улардан восита сифатида фойдаланмоқчи бўлганлар.

Бирок бу ҳақиқатни сиз анча кейин, кўп йиллар ўтгандан сўнггина англайсиз – буни англаш учун бутун умрингизни сарфлашингиз, кўпдан-кўп қурбонлар беришингиз, кўп изтироблар ва азоб-уқубатлар чекишингиз керак бўлади.

Бувим раҳматли айтиб юрадиган бир нақл бўларди: “Қоziқнинг учи ҳам бўлма, боши ҳам бўлма: учи бўлсанг – ерга қирасан, боши бўлсанг – тўқмоққ ейсан. Қоziқнинг бели бўл, болам”.

Афера – ўғирликнинг бир тури ҳисобланади. Ўзбекчада буни “фирибгарлик” дейдилар. Фирибгарлик илгариги жамиятларда уят иш деб билинган. Фақат биздагина коммунистик партия раҳнамолигида хўжалик юритишнинг барча

соҳаларида қўлласса бўлаверадиган оддий ишлар қаторига кирди. Бундай фирибгарликлар ҳамманинг кўз ўнгида содир бўлар, лекин ҳеч ким бунга қариши лом-мум деб оғиз очмас эди.

...фақат бир нарсани тушуниб етаман – қиш даласида пахта сира қолмаган бўлса-да, катталаримизга “пахта йўқ” деб бўлмас экан, уларга фақат “хўб бўлади, бажарамиз!” деб турмоғингиз керак экан. Шундагина уларнинг қаҳр-ғазабдан омон қолишингиз мумкин. Шундай қилиб, ҳаловатингизни сақлаб қолиш, беҳуда жазоларга мустаҳқиқ бўлмаслик учун жиндай ёлгон суқилиб кирди, керак бўлса-бўлмаса ундан “унумли” фойдалана бошладик...

...ҳақиқатни гапирадиган ростгўй ва самимий одамлар эмас, балки керакли гапни гапирадиган, раҳбарларга маъқул гапларни айтадиган, зарур фурсатда ҳар қандай ёлгонни қўллашдан тап тортмайдиган чечан ва удабурронлар керак эди.

...ёлгон, алдов ва гипромликнинг авж олиши жамият ҳаётида кўпдан-кўп иллатларнинг томир отишига сабаб бўлди. Одамлар ошқора тилёғламалик, қалб амрига қариши бориб, виждонини ютиб иш тутуши ва фақат ўз манфаатини ўйлаб фаолият кўрсатиши каби қусурлардан ҳазар қилмай қўйдилар.

Тўғри, ҳаётимиз аввалгидан бирмунча дуруст бўлиб қолган эди. Ёб-ичишимиз ҳам, яшаш шароитларимиз ҳам хийла эпқага келиб қолган эди. Бироқ жамият ҳаётида ёлгон-яшиқнинг кучайиши, инсоний қадр-қимматнинг камайиши, ҳаромхўрлик ва нопокликнинг авж олиши ахлоқни хароб этиб, эътиқодларнинг томирини қурита бошлаган эди.

Ўйлашлар оқибатида афсусу надоматларга тўлиқ яна бир хитоб тугилди, холос: “Бу дунё бунчалар телба-тескари бўлмасди!”

Албатта, бунақа хўрликлар ва ноҳақликларга дош бериш қийин эди. Ўйлай-ўйлай бир нарсадан тасалли топдим — бунақа ишлар ҳаётимизда янгилик эмас-ку! ... сендан юз чандон катта одамлар, том маънодаги улуг одамлар ҳам бунақа тескари қисматдан бенасиб қолмаганлар-ку! Уларнинг ҳам ҳеч қанақа гуноҳлари йўқ эди.

Шундай деб ўйлаганимда улуг инсон ва улуг олим Ҳабиб Абдуллаевнинг қисмати кўз олдимда гавдаланди. Дунёга донги кетган олим. Олтин топишнинг самарали йўлларини кашф этган; у топган конлардан миллион-миллион даромад қўрилган ва ҳозир ҳам қўрилмоқда. Унинг раҳбарлигида Фанлар академияси ҳам бекиёс ўсди. Бунақа олим юз йилда бир тугилади, миллият у билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Бундай олим хорижий мамлакатлардан бирортасида яшаганида, шубҳасиз, жуда катта izzat-икром кўран ва фаровон ҳаёт кечирган бўларди. Аммо шундай одам эллик ёшга кириб-кирмай оламдан ўтди. Ҳа, умри қисқа экан. Аммо унинг умрини қисқа қилишга ўзимиз ҳам анча-мунча ҳисса қўшдик-ку! Ўзининг ҳалол пулига анчайин иморат қургани учун уни бадном қилган, тупроққа қорштитрган ўзимиз эдик-ку! Гўё бир томонда сонмингта Ҳабиб Абдуллаев қалашиб ётибди-ю, бунисини улоқтириб ташлаб, ўрнига янгисини қўйиб қўйиш мумкиндай. Олим теварадида ғийбат қозони қайнаб ётганда партиядан “Ҳой биродарлар, бир катта олим дурустроқ уй қуриб олган бўлса нима бўлибди? Бу ўзимизга обрў олиб келади” деган садо чиқмади-ку!

Йўқ, арзимаган “ғуноҳлар” баҳонасида одамларни ёмон-отлиқ қилиш, бурнини ерга ишқаб, қанотини қайириб олиш партиянинг севишли ишларидан эди. Ҳар хил йўллар билан одамни хўрлаш, таҳқирлаш ва шу тарзда “попузини пасайтириб” қўйиш бизнинг ҳаётимизда оддий иш бўлиб қолган эди.

“XXI asr” ixtimoiy-siёсий gazetasi Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги (hozirgi Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақам билан рўyxатдан ўтказилган.

“Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй. Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ, Бўюртма рақами: Г – 345. Адади: 6004. Баҳоси келишилган нархда. Топширилди – 19:20.

Ахир, биз бағрикенг, серсаховат, меҳридарё халқ сифатида танилган эдик-ку! Дини ислом, мусулмон ахлоқи асрлар мобайнида бизга одамийликни, раҳмдилликни, шафқатни синғдириб келган эди. Нега энди бугунга келиб шу қадар меҳрсиз ва бағритош бўлиб қолдик? Яқинларимизга қанча кўп озор етказсак, шунча кўпроқ хузурланамиз. Бу иллат бизга қачон, қандай ёпишган?

...биз савол бериб ўрганмаган эдик. Негаки савол бермоқ учун одам синчков бўлмоғи, ҳар нарсанинг тағига етишга тиришмоғи керак, фикрлайдиган одам бўлмоғи шарт. Биз айни шу фикрлаш масаласида оқсар эдик, юқоридан айтилган ёҳуд тапбуотда ёзилган ҳар қандай гапни таҳлил чиғиреидан ўтказмай, ҳақиқат деб қабул қилишга қўнқиб қолган эдик. Бунинг натижасида ҳар хил ёлгон-яшиқлар, бўлар-бўлмас афсоналар онгимизга синғдирилларди. Ҳар қуни такрор-такрор айтаверганидан кейин ёлгон ҳам ростга ўхшаб қолар экан.

Фикрлашдан қочиш, “оч қорним – тинч қулоғим” фалсафаси одамни лоқайд қилади.

... эндиликда бўлар-бўлмас мажлисларда соатлаб қадалиб ўтиришларга, ҳисобот беришларга, ёлгон гапиришларга, ўзимда йўқ фазилатларни сотишга, риёкорликка ҳожаат қолмади.

Мақсадим – мансаб эмас, имтиёзлар эмас, балки маслакдош дўстлар билан биргаликда улуг ишларни амалга ошириш, маънавият юксакликларида парвоз қилиш, инсон деган номга доғ туширмай яшаш эди. Минг афсуски, бу орзулар ушатмади. Аксинча, партия сафида юриб, жиндай риёкор, жиндай алдамчи, жиндай иккиюзламачи бўлиб қолдим, меҳнат қилиш ўрнига ўзимни меҳнат қилаётгандай қилиб кўрсатишни ўргандим, сафсатабозликка, кўзбўямаччиликка қўнқидим.

Оскар Уайлд деган инглиз ёзувчисининг “Дориан Грейнинг портрети” деган ажойиб романи бор. Роман қаҳрамони Дориан Грей – бўй-баста келишган, ҳар қандай қиз бир кўрса ошшқу беқарор бўлиб қоладиган баркамол йеит. У мустақил ҳаётга энди қадам қўяр экан, Иблис билан учрашади; Иблис унинг ишмони эвасига то вафотига қадар бутун навқиронлиги ва жозибадорлигини сақлаб қолишни ваъда қилади. Дориан рози бўлади – умрини айшу ишратда, хузур-ҳаловатда ўтказадим, сира қаримайди – умрининг охиригача ёшликдаги баркамоллигини сақлаб қолади. Ниҳоят, вақт-соати етиб, оламдан ўтади. У ўлим тўшағида ётар экан, кўз ўнгида йиллар давомиди шаклланган: ҳақиқий қиёфаси намоён бўлади. Бу қиёфа одамни жиркантирадиган даражада хунук – пешоналар тиришган, кўзлар қақчайган, пастки лаблар осилиб тушган, сўйлоқ тишлар йиртқич ҳайвонникидек туртиб чиққан... Ҳузур-ҳаловат, роҳат-фароғат, машитнинг баҳоси бу...

Дориан Грейнинг ўлим тўшағида намоён бўлган асл қиёфаси – иймонсизлик ва маънавиятсизликнинг қиёфаси.

Бугун мен умумбашиарий қадриятларга, яхшиликка, ҳалолликка, диёнат ва инсофга эътиқод қўйдим. Менинг бахтимга, менга ўхшаган миллионларнинг бахтига жононжон юртимиз бошида мустақиллик байроғи қилпирай бошлади. Мустақиллик бизга эркинлик олиб келди ва шу билан бирга, ҳар биримизга юксак масъулиятлар юклади. Энди биз теранроқ ва дадишроқ фикрлайдиган бўлмоғимиз керак, маънавиятимизни янги босқичга кўтаришимиз зарур. Биз янги, мустаҳкам ва юксак иймонга эга бўлмоғимиз даркор. Янги иймонга эга бўлмоқ учун эса бутунлай покланмоқ шарт.

МУАССИС: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Тахрир ҳайъати:

Ақтам ХАЙТОВ
Бахтиёр ЯКУБОВ
Мавлуда ХЎЖАЕВА

Сирожиiddин САЙЙИД
Дилшод ШОУМАРОВ
Равшан МАМУТОВ

Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Нодир ЖУМАЕВ
Мадина БАРОТОВА
Шўхрат АСЛОНОВ

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73А-уй.

электрон почта:
xxi_asr@mail.uz
xxi_asr@mail.ru

Телефонлар:
қабулхона –
71 215-63-80
(тел./факс).

Обуна ва реклама
бўлими –
71 255-68-50.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

© “XXI asr” dnr олдинга маълумотларга манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета тахририят компьютер марказида терилди.

Саҳифаловчи:
Элёржон Неъматов



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир:
Фаррух ЖАББОРОВ